# БАРАКАЛИ ЙИЛ БЎЛСИН!

Бу йил баҳорни ҳар йилгиданда, интизорлик билан кутилди. Мана баҳор келиши билан  жойларда дарвешоналар ўтказилиб ободонлаштириш  ишлари бошлаб юборилди. Далаларда ишлар қизғин. Эрта баҳорда эрта қилинган ҳаракат кеч кузда ўз натижасини беради. Шу муносабат билан Наврўз МФЙ ҳудудида жойлашган Болтахожи зиёратгоҳида бу йилги экин- тикинларга барака, мўл-кўлчилик тилаб, эҳсон қилинди.

Туманимиздаги нуронийлар вакиллари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар ҳамда ММПТ раислари ва фаоллар учун дастурхон ёзилди.

Уламолар Қуръон тиловат қилишиб,  бу йил ҳам туманимиз фермерлари деҳқончиликлари мўл-кўл, барча ишларга барака тиланиб, юртимиз тинчлиги учун дуо фотиҳа қилинди.    Жойларда бундай тадбирлар давом этяпти.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-06 08:23:04